



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2021 - yil 13 - noyabr

VI-26-46-6-0-K/21

Namangan viloyati hokimligi

Наманган вилояти прокурорининг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш ҳамда жинойтчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида 2021 йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида

Вилоят прокурори Ж.Ж.Хатамовнинг прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жинойтчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида 2021 йил 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят прокурори Ж.Ж.Хатамовнинг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш ҳамда жинойтчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида 2021 йилнинг 9 ойида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоятдаги давлат бошқарув, ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари, иқтисодий идоралар раҳбарлари тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантириш мақсадида қонунда белгиланган тартибда имтиёزلарни қўллаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний равишда аралашишга йўл қўймаслик ҳамда эркин фаолият билан шуғулланишлари учун шароитлар

яратиб берилишини таъминласинлар.

3. Наманган шаҳар ва туман ҳокимликлари, барча вилоят бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарларига:

- тадбиркорлик субъектлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини йўлга қўйишда учраётган ғов ва бюрократик тўсиқларга тўлиқ барҳам бериш;

- вилоят иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил амалга ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилсин;

- Давлат дастурлари ижроси сифатли таъминлаш учун пудратчиларни танлашга, тендерларни ўтказишга ҳолислик билан ёндошиш, қурилишлар сифатига алоҳида эътибор қаратиш, белгиланган тартибда лойиҳа ҳужжатларисиз ёки лойиҳа ҳужжатларини қурилиш ва монтаж ишлари билан бир вақтда тайёрлашга йўл қўймаслик, лойиҳа экспертизадан ўтказиш жараёнида ҳужжатларни тўлиқлигига эътибор қаратилсин.

4. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ижтимоий-иқтисодий корхона, ташкилот, муассасалар, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, Бандлик бош бошқармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бўлими, “Халқ банки” ва уларнинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари билан биргаликда:

- пенсия ва нафақа пулларини мансабдор шахслар томонидан мансабни суистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилинишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида вакил қилинган комиссиялар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий нафақалар олишни сўраб қилган мурожаатларини қонунсиз равишда рад этиш, натижада уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиш ҳолатларини бартараф этиш;

- жойлардаги айрим бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан янги

иш ўринларини яратиш бўйича тузилган Дастурга асосан ишсиз деб тан олинган фуқароларни ишга жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш йўли билан бажарилиши ҳолатларига чек қўйиш;

- вилоят ва ҳудудларда бўш иш ўринлари бўйича меҳнат ярмаркаларида ишсиз фуқароларни ишга жойлаш аҳволини янада жонлантириш;

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Ҳакимов), вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

- хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан кредитор ва дебитор қарздорлигини камайтириш чораларини кўриш;

- ерлардан мақсадли фойдаланиш, минерал ўғитлар билан бойитиш, ерни экологик бузилишларини олдини олиш, ердан фойдаланишда қонунбузилишларига йўл қўймаслик, ирригация тармоқларидан хўжасизларча фойдаланишга чек қўйиш, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш, ёқилғи мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, минерал ўғитларни сақлаш жойларга етказиб бериш тартибларига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга тайёрлаш ишларини кучайтириш, иш ҳақларини ўз вақтида тўланишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Атаходжаев), Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш котибияти (М.Улуханов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ш.Мусаев), “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” вилоят кенгаши (М.Абдуллаханова), Бандлик бош бошқармаси (Р.Расулов), Халқ таълими (Р.Исраилов), касбий таълимни ривожлантириш (Б.Тожиматов) бошқармалари, Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

- жойларда жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, бунда асосий ўринда оила, турмуш ва маиший муносабатлар замирида содир этилган жинойтларни олдини олиш, ўсишига йўл қўймасликка қаратилган профилактик ишларини талаб даражасида олиб бориш;

- аҳоли истиқомат жойлари, меҳнат жамоаларида қонунийликни таъминлаш, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, аҳоли,

айниқса хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини олдини олиш билан боғлиқ тадбирларни мунтазам режали ўтказиб бориш;

- умумтаълим мактабларида мавжуд психолог штатларини малакали мутахассислар билан тўлдириш ва уларга алоҳида хизмат хоналари ажратиш ҳамда уларни ўз вақтида малакасини ошириб боришларини қатъий назорат ўрнатиш;

- жойлардаги ҳокимликлар, комиссиялар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда маъмурий идоралар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган профилактик тадбирларни олиб боришда ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш, аҳолининг бандлик масаласига жиддий эътибор қаратиш, хотин-қизлар маслаҳатчилари, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” ҳудудий Кенгашлари ролини кучайтирсинлар.

7. Вилоятдаги давлат бошқарув, ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари, иқтисодий идоралар раҳбарлари:

- коррупцияни олдини олиш, бундай салбий ҳолатларга йўл қўймасликни барча чораларини кўрсинлар.

8. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талабларини жойларда бажаришда мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилиши, мурожаатларни қабул қилмаслик, қонунда белгиланган муддатларда аризани кўриб чиқмаслик ёки ариза муаллифига хабар бермаслик ҳолатларига чек қўйилсин.

Бунда, ўтказилаётган “Сайёр” қабуллар сифатига эътибор бериб, муаммоларни жойида бартараф этишга эътибор қатарилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашини доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov